



## Issues of organization of interaction of law enforcement agencies in the direction of countering the smuggling of narcotic drugs into the Republic of Uzbekistan

Sherzod KUCHKAROV<sup>1</sup>

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

#### **Article history:**

Received April 2021  
Received in revised form  
28 April 2022  
Accepted 20 May 2022  
Available online  
10 June 2022

#### **Keywords:**

smuggling,  
drug trafficking,  
narcotic drugs,  
psychotropic substances and  
organized criminal group  
(criminal community).

### ABSTRACT

This article highlights the joint activities of the internal affairs bodies and other law enforcement agencies in the fight against crimes related to drug smuggling, problems in this direction and measures that need to be taken to prevent these types of crimes. Statistical data on crimes related to drug smuggling, the legislation of the Republic of Uzbekistan, foreign countries and international legislation are analyzed. As a result of the analysis, a number of proposals and recommendations were developed to combat crimes related to drug smuggling.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss5/S-pp91-97>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикасига олиб киришга қарши курашиш йўналишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари

### АННОТАЦИЯ

#### **Калит сўзлар:**

контрабанда,  
наркобизнес,  
нарковазият,  
гиёҳвандлик воситалари,  
психотроп моддалар  
ва уюшган жиноий гуруҳ  
(жиноий уюшма)лар.

Мазкур мақолада гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятларига қарши курашишда ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорликдаги фаолияти, мазкур йўналишдаги муаммолар ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ёритиб берилган. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятларига оид статистик

<sup>1</sup> Chief legal adviser, organizational department, legal support department, Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.

маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси, хорижий давлатлар қонунчилиги ва халқаро қонунчилик таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятларига қарши курашишга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

## **Вопросы организации взаимодействия правоохранительных органов в направлении противодействия контрабандному ввозу наркотических средств в Республику Узбекистан**

### **АННОТАЦИЯ**

#### **Ключевые слова:**

контрабанда, наркобизнес, наркотическая обстановка, наркотические средства, психотропные вещества и организованная преступная группа (преступное сообщество).

В данной статье освещена взаимодействие органов внутренних дел и других правоохранительных органов в борьбе с преступлениями, связанными с контрабандой наркотических средств, проблемы в данном направлении и меры, которые необходимо предпринять для предотвращения этих видов преступлений. Проанализированы статистические данные о преступлениях, законодательство Республики Узбекистан, зарубежных стран и международное законодательство, которые связаны с контрабандой наркотических средств. В результате анализов был разработан ряд предложений и рекомендаций по борьбе с преступлениями, касающихся с контрабандой наркотических средств.

### **SUMMARY**

Since the declaration of independence, the Republic of Uzbekistan, independently determining its economic, social and foreign policy, in order to ensure State sovereignty, the rights and freedoms of citizens, business entities, as well as the regulation of social and economic relations, has been constantly improving its legal system in the field of anti-drug activities.

The State creates benefits for citizens of the Republic of Uzbekistan, foreign citizens and stateless persons in order to create favorable conditions in business and other spheres.

In accordance with the Customs Code of the Republic of Uzbekistan and the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. UP-4947 "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan", in order to ensure that the conditions of customs clearance of citizens comply with international standards, simplify customs clearance, use effective control methods, as well as create more favorable conditions for development. Several amenities have been created for tourism.

Currently, the number of cases of illegal use of the created economic and social conditions, the importation of narcotic drugs into the republic, the use of our republic as a transit corridor, as well as groups engaged in smuggling, and crimes of this kind, the fight against which law enforcement agencies are becoming more and more urgent, is growing.

Гиёҳвандликни ҳеч иккиланмасдан инсоният олдида турган энг катта муаммолардан бири дейиш мумкин. Афсуски, унинг кўлами катта рақамларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармасининг ҳисоботларига кўра, дунё бўйлаб 35 миллионга яқин одам гиёҳванд моддалар билан боғлиқ касалликлардан азият чекмоқда ва даволанишга муҳтож [2].

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган пайтдан бошлаб, ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва ташқи сиёсатини мустақил равишда белгилаб, давлатимиз суверенитети, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ўзининг гиёҳвандликка қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқ тизимини доимий равишда такомиллаштириб бормоқда.

Давлатимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда қулайликлар яратиш мақсадида енгилликлар яратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонига мувофиқ [8], фуқароларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш шароитларини жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, божхона расмийлаштиришнинг соддалаштириш, назоратнинг самарали усуллари қўллаш, шунингдек, туризмни ривожлантириш учун янада қулай шароитларни яратиш мақсадида бир қанча қулайликлар яратилган. Жумладан, паспорт-виза, хорижга чиқиш ва кириш тизимини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш:

- маълумотларни қайта ишлаш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чегара назорати органларига йўловчилар ҳақида дастлабки маълумотларни тақдим этиш амалиётини, автоматлаштирилган паспорт назорати кабинасини, чегарани кесиб ўтаётганларни қидирувда бўлган шахслар фотобазаси билан солиштириш тизимини жорий этган ҳолда аэропорт ва темир йўл вокзалларида паспорт назорати тизимини соддалаштириш;

- паспорт тизимини такомиллаштириш орқали хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириш тартибини бекор қилиш;

- алоҳида асослар бўйича хорижга чиқиш ҳуқуқини суд томонидан чеклаш тартибини киритиш;

- жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича “яшил” ва “қизил” йўлак тизимини амалиётга татбиқ этиш [5].

Мазкур соҳада фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида Республика-мизга кириб келиш ва чиқиб кетиш божхона постларида ташкил қилинган “Яшил” йўлаклардан контрабанда ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланаётган гуруҳлар кўпайиб, бу, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга ва янада хушёр ҳолатда хизмат олиб боришларига ундамоқда.

Ҳозирги кунда яратилган иқтисодий ва ижтимоий шароитлардан ноқонуний равишда фойдаланиб, гиёҳвандлик воситаларини республикамизга олиб ўтиш, республикамиздан транзит йўлак сифатида фойдаланиш ҳолатлари, шунингдек,

контрабанда билан шуғулланувчи гуруҳлар ва ушбу турдаги жиноятлар сони йилдан йилга кўпайиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан унга қарши курашиш долзарб бўлиб бормоқда.

Масалан, гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги соҳага давлат миқёсида катта эътибор қаратилганини, гиёҳвандликка қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилганини, хавф-хатарни бартараф этиш мақсадида кенг жамоатчиликнинг фаоллигига таянилаётганини алоҳида эътироф этиш зарур. Айниқса, мустақиллик йилларида ушбу иллатга қарши кураш чора-тадбирлари бир неча бор кучайтирилди.

Аввало, бу каби саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, БМТ конвенцияларини ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августда 813-І-сон Қонуни, “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида” 2011 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–297-сон Қонун [6] ва ушбу соҳага оид бир қанча қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, мазкур соҳа ҳуқуқий томондан тартибга солинган. Бундан ташқари, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорликдаги ишларни ташкиллаштириш мақсадида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тузилиб, унинг наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Ўтган йиллар давомида наркобизнесга қарши олиб борилган ишлар мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддалар олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш самарадорлиги ошириш мақсадида Туркия, Покистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Россия, Украина, Италия каби давлатлар ўртасида икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа давлатларининг ўзаро ҳамкорлик доираси янада кенгайиб, Европа Иттифоқи билан минтақавий ҳамкорликка мўлжалланган “Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда наркотикка қарши кураш борасидаги фаолияти дастури” [1] ишлаб чиқилди ҳамда ҳамкорликдаги ишларни ташкиллаштириш бўйича келишувга эришилиб, Марказий Осиё давлатларида аэропортлар, автомобиль ва темир йўллар туташган жойларда, шунингдек, денгиз, дарё портларида ташкилий-техникавий ва консультатив ёрдам ишларини амалга оширишга жиддий киришилди.

Бу борада жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрда қабул қилган резолюциясига биноан 26 июнь “Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни” дея эълон қилинган [4].

Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишда танлаган асосий йўли бу трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар томонидан гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш учун республика ҳудудидан фойдаланишининг олдини олиш, гиёҳвандлик воситаларининг қонуний муомаласи устидан қатъий назорат ўрнатиш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш самарадорлигини таъминлаш, гиёҳвандликка чалинган беморларга кафолатли тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга киритилиши билан инсон ақл-идрокига таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилувчи шахсларга нисбатан муносабат ўзгариб, инсонийлик тамойиллари кучайтирилди [7]. Гиёҳвандликка чалинган беморларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу Қонун билан гиёҳвандликка қарши курашда бу иллатнинг профилактикасини таъминлаш чоралари белгиланди. Қонунда бутун давлат ва жамоат ташкилотларининг гиёҳвандликка қарши курашиши мажбурийлиги белгиланиши билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини тарғибот ва реклама қилиш мутлақо тақиқланди.

Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, бу турдаги жиноятларга, айниқса, вояга етмаганларни жалб қилиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар контрабандаси билан боғлиқ жиноятлар хавфи сўнгги йилларда кескин ошди. Чунки улар тобора уюшган ва кенг кўламли бўлиб, давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зарар етказмоқда.

Сўнгги 5 йил давомидаги таҳлиллар умумий гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятларининг ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2020 йилда жорий этилган карантин даврига қарамай, гиёҳвандлик воситалари контрабандасининг умумий гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлардаги улуши 3 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятлари 2018–2021 йилларда 3-5 фоизга ошган.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ контрабанда жиноятларининг асосий қисми кўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда, яъни нарковазияти мураккаб бўлган Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Давлатлараро уюшган жиноий гуруҳлар томонидан мамлакатимиз ҳудудига катта миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли билан олиб ўтиш ҳолатлари давом этмоқда.

Ҳанузгача гиёҳвандлик воситалари оқимининг мавжудлиги мамлакатимиздаги нарковазиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасига Афғонистон – Ўзбекистон чегараси орқали катта миқдорда “афғон” гиёҳвандлик воситалари каналлари аниқланиб, жиноий фаолиятлари фош этилган. Масалан, божхона постлари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нисбатан оз миқдорда гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтишга уринаётган Афғонистон фуқаролари сони 3 баробарга ортиб кетганлиги кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022 йил 17 февралда 2022 йилда божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва соҳани коррупциядан холи тизимга айлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг минтақа марказида бўлгани боис контрабандага қарши курашиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини, мазкур соҳада бир қатор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади, мисол учун:

– 2018 йилда 13 мингта уяли телефон қонуний олиб кирилган бўлса, 2021 йилда бу рақам 3 миллиондан ошгани;

– йил бошидан 364 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 88 минг дона психотроп дорилар ҳамда 181 миллиард сўмлик товарлар ноқонуний кириб келиши олди олингани қайд этилди.

Йиғилишда соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўплиги қайд этилди. Президент имзолаган қонунга кўра, божхона органларининг 80 фоиз товар кириб келадиган 22 та асосий постини 3D-сканер, рентген аппарати, видеокузатув камераси, сервер, транспорт тарозиси каби ускуналар билан жиҳозлаш топшириғи берилди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 370 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, темир йўл орқали келадиган товарлар бўйича маълумотларнинг электрон алмашинувини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, тегишли мутасаддиларга халқаро жўнатмалар бўйича ахборот алмашиш тизимини жорий этиш топширилди. Йиғилишда божхона тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича бажариладиган ишлар самарадорлигини ошириш вазифаси юклатилди [3].

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш масаласи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг доимий эътиборини тортиб, соҳа мутахас-сисларини ушбу йўналишларда тезкор-профилактик тадбирларни кучайтиришга ва доимий равишда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишини тақозо қилмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларининг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар имкон қадар самарали, фаол ва биргаликда фаолиятни амалга ошириб келмоқдалар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги самарали бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа мутасадди ташкилотлар биргаликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар контрабандасининг олдини олиш ва ноқонуний айланишига қарши курашиш, содир этилган жиноятларни таҳлил қилиш, жиноят содир этиш сабаблари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, мазкур жиноятларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тайёрланиши ва ташилиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўймоқдалар.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш муаммоси доимо соҳа мутахассисларининг эътиборини тортиб, жиноят ҳуқуқи, криминалогия, жазони ижро этиш ҳуқуқи, жиноят-процессуал, криминалистика ва тезкор қидирув фаолияти ўқув қўлланмалари янгиликлар билан тўлдирилишига сабаб бўлмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддалар савдоси бу якка ҳолатда амалга оширилиши мумкин эмас, унинг контрабандаси, ташилиши ёки сотилиши, асосан, уюшган жиноий гуруҳ (ташкилот) томонидан амалга оширилади, уни амалга оширувчи гуруҳ (ташкилот)лар катта миқдорда пулга эга бўлиб, улар коррупциявий омиллардан доимий равишда фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишади ва гиёҳвандлик воситаларидан олган даромадлари орқали коррупциявий омилларни молиялаштирадilar.

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддалар контрабандасининг ривожланиш тенденциялари, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддалар контрабандасига қарши курашиш мақсадида давлатмиз томонидан қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар энг замонавий техникалар билан таъминланмоқда.

Шунга қарамасдан, гиёҳвандликка қарши курашишда чет давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси божхона ва чегара пунктларида юкларни ва йўловчиларни текшириш механизмлари етарли даража ташкил этилмаганлиги бу оғуларнинг мамлакатимизга кириб келишига замин яратмоқда.

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик глобал муаммолардан биридир. Гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддаларнинг арзимаган пул эвазига яширинча чегарадан олиб ўтишга уринишлар ҳали-ҳануз учраб тургани, бу эса қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлаётгани, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга ўрганиб қолиш оқибатида ақлий ҳамда жисмоний нуқсонли болалар дунёга келаётгани ҳақида ўйласак, янада сергак тортамыз. Унинг қулига айланиб қолаётган замондошларимизни тўғри йўлга қайтариш барчамиз учун фойдалидир. Шундай экан, гиёҳвандликка қарши кураш фақат давлат органлари ёки ўша йўналишда фаолият олиб боровчи шахсларнинг эмас, балки бутун инсоният вазифасидир. Бир сўз билан айтганда эса, оилаларимиз тинчлиги, фарзандларимиз ҳамда яқинларимизни келажагига раҳна солаётган, жиддий хавфга айланган гиёҳвандликка қарши биргаликда курашишимиз шарт.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <http://old.adolatnashr.uz/page/26-iyun-halkaro-giyokhvandlikka-karshi-kurash-kuni>.
2. <https://customs.uz/uz/news/view/4130>.
3. <https://customs.uz/uz/news/view?id=7616>.
4. <https://www.un.org/ru/observances/end-drug-abuse-day>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлак тизимни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 11 октябрдаги 814-сон қарорининг муқаддимаси.
6. Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида” 2011 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–297-сон қонун <https://lex.uz/ru/pdfs/1869881>.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни 19.08.1999 йилдаги 813-I-сон // <https://lex.uz/docs/86044>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/pdfs/1869881>.